



Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади.

**Ш. Мирзиёев**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



**Лойиҳа ташкилотчиси:**

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

**Тузувчи:**

“ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази.

**Тақризчилар:**

М.Х.Юсупов - «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси бўлим бошлиғи, и.ф.н.

И.О.Дўстмаматов - “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази етакчи мутахассиси.

**Ушбу қўлланма**

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тухфаси ҳисобланади.**



Ушбу қўлланма «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, ҳамда «ЎзкурилишматериалЛИТИ» МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази томонидан линолеум ишлаб чиқаришни ташкил этиш ниятидаги тадбиркорлар учун амалий-услубий қўлланма мақсадида яратилди.

Амалий-услубий қўлланмадан фойдаланиб линолеум ишлаб чиқариш ҳақида умумий маълумот олиш, керакли хом ашё турлари, мав-

жууд заҳиралар, ишлаб чиқариш технологиялари, сифат, меъёрий ҳужжатлар, ўлчов воситалари, иқтисодий санарадорлик кўрсаткичлари, экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири, техника хавфсизлиги, саноат санитария қоидалари, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш ҳамда тижорат банкларидан кредит олиш тартиблари келтирилган.

**Ушбу қўлланмадан фойдаланиб ўз бизнесингизни бошланг!**

**Сизга ёрдам берганимиздан миннатдормиз!**



## МУНДАРИЖА

|   |           |
|---|-----------|
| Кириш   | 6         |
| <b>I. Линолеум ҳақида<br/>қисқача маълумот</b>  | <b>12</b> |
| 1.1 Республикада<br>линолеум ишлаб<br>чиқариш истикболлари<br>ва жаҳон тажрибаси      | 14        |
| 1.2 Линолеум турлари<br>ва физик-механик<br>кўрсаткичлари                             | 22        |
| 1.3 Линолеум<br>материалларининг<br>муқобил қурилиш<br>материалларидан<br>афзаликлари | 28        |

|  |           |   |           |
|--|-----------|---|-----------|
| 1.4 Ишлаб чиқариш ҳолати рақамларда                            | 30        | <b>V. Самарадорлик күрсаткичлари</b>  | <b>58</b> |
| <b>II. Хом ашё турлари ва мавжуд заҳиралар</b>                 | <b>34</b> | <b>VI. Экологик меъёрлар ва атроф мухитга таъсири</b>   | <b>62</b> |
| 2.1 Хом ашё турлари  | 36        | 6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар   | 64        |
| 2.2 Республика худудларида мавжуд хом ашё заҳиралари           | 40        | 6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш   | 68        |
| <b>III. Ишлаб чиқариш технологиялари</b>                       | <b>42</b> | <b>VII. Мехнатни муҳофаза қилиш</b>   | <b>70</b> |
| 3.1 Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи усқиналар                       | 44        | 7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари   | 72        |
| <b>IV. Сифат, меъёрий ҳужжатлар ва ўлчов воситалари</b>        | <b>48</b> | <b>VIII. Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми</b> | <b>78</b> |
| 4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари                            | 50        | <b>IX. Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш тартиби</b>                     | <b>80</b> |
| 4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш | 54        | <b>Фойдаланилган адабиётлар</b>   | <b>82</b> |
| 4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги                  | 56        |   |           |

# КИРИШ







Бизга маълумки ҳозирги кунда аҳолини арzon турар-жойлар билан таъминлаш, ижтимоий соҳа обьектлари, нотурар ва аҳоли турар жойлари учун сифатли, арzon, замонавий қурилиш материаллари

билин таъминлаш давр талаби-дир. Маълумки қурилиш ишларини асосий қисмини қурилиш материаллари ташкил этади. Инновацион янги энергия тежамкор, сифатли, арzon, енгил қурилиш материаллари ишлаб

чиқарыш соҳаси тараққиёти мұхим омил сифатида қаралмоқда.

Сүнгги йилларда дунёда қурилиш жараёнида энергия тежамкор, инновацион қурилиш материалларидан фойдаланиш бино-иншоотнинг таннархи арzon бўлиши ҳамда қурилиш ишларини тез фурсатда, сифатли амалга оширишда мұхим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шу жумладан қурилаётган обьектларнинг ички пардозбоб маҳсулотларини ишлаб чиқариш йилдан йилга такомиллашмоқда.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда ҳам пардозбоб маҳсулотларнинг тури йилдан


йилга ортиб бормоқда. Бозорларда турли хил пол қопламалари мавжуд, аммо уларнинг ичидә энг оммабоп бўлган тури бу линолеумдир.

Линолеум (лотинча: «Линум» - зигир мато ва «олеум» - мой) - полимер рулон (ўрам) материал бўлиб асоси зигир матодан ташкил топган иссиқлик товуш изоляцияли бир ва кўп қаватли маҳсулотdir.

Линолеум микроблар ва микроскопик организмларнинг ўсишига табий равища тўскенилик қиласи, бу эса уни мактабларда ва шифохоналарда оммабоп қурилиш материалга айлантиргди. У шикастланышга ва ёнфинга чидамлилиги




ҳамда юқори қаршилиги билан ажралиб туради. Узоқ вақт хизмат қиласы, чунки у ранг ёрқинлиги ва шаклини йүқтөмайды. Бу эса ошхона учун ҳам кулайдыр. Линолеум ёғға ва күплаб моддаларга чидамли сиртга эга. Унинг таркибининг бир қисми бўлган зигир мато унинг бактерицидлик хусусиятини оширади. Линолеум маҳсулоти сифатнинг ажойиб комбинацияси бўлиб у нисбатан кам пул эвазига функционал хусусиятларга ва жозибали кўринишга эга бўлган маҳсулот сотиб олиш имконягини беради. Линолеум маҳсулоти турли хил рангларда ишлаб чиқарилиб у ҳар бир уйга ўзгача кўрк бағишлиайди. Бу эса харидорларни ўзига жалб қиласи. Шу сабабли линолеум маҳсулотига бўлган талаб кундан кунга ку чайиб бормоқда.






# I. ЛИНОЛЕУМ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ





## 1.1 Республикада линолеум ишлаб чиқариш истиқболлари ва жаҳон тажрибаси



Бугунги кунда Республика-мизда линолеум маҳсулоти ишлаб чиқариш ва уни сотиш тобора ривожланиб бормоқда. Умуман олганда бугунги кунда юртимизда 10 мингга яқин курилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд бўлиб, 180 турдан ошик курилиш материаллари ишлаб чиқарилиб, шулар жумласидан линолеум ҳам Россия, Украина, Қозогистон, Қирғизистон, Туркманистон, Озарбайжон, Тоҷикистон ва Афғонистонга етказиб берилмоқда. Маҳаллий курилиш материаллари ичida линолеумнинг талабга нисбатан таъминланганлик даражаси 86,6 % ни ташкил этади.

Ўрта Чирчик туманидаги "Sanfa products" жамоаси полқопламалари линолеум яъни ишлаб чиқариш борасида ўзига хос тажриба тизимини яратди. Жамоада меҳнат қилаётган ишибилармон ёшлар маҳсулотларни хорижий давлатларга экспорт қилишдан мўмай даромад топишмоқда. Ўтган йили 3 мил-

лион 600 минг доллар қийматидаги линолеумлар экспорт қилинди. Бу йил эса мазкур кўрсаткични бундан-да ошириш режалаштирилган. Шунингдек, 2020-2021 йилларда ишлаб чиқариш қувватларини 35 фоизгacha ошириш кўзда тутилган.

Яна бир йирик ишлаб чиқарувчи ташкилотлардан бири «СПЕКТР СТРОЙ ИНВЕСТ» МЧЖ, Тошкент шаҳри Чилонзор туманида жойлашган бўлиб у 1 йил (май 2020 - апрел 2021) мобайнида 7232 минг кв.метр линолеум ишлаб чиқарган. Ундан ташқари Самарқанд шаҳридаги «Мастер Строй Маркет», Фарғонада «ФАРГОНА ЧАРМ ПОЛИМЕР», Бухорода «ТЕМИРОВ» хусусий фирмаси ҳамда Тошкент шаҳри, Учтепа туманида ҳам «ЛИНОЛЕУМ ДЕСОР ЭХСЛУСИВЕ» МЧЖ корхоналарида линолеум ишлаб чиқариш бўйича кенг кўламда изчилишлар олиб борилмоқда. Умуман олганда Республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам

жумладан Наманган, Фарғона-да ҳам линолеум ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Шу маънода ўтган йилларда, пойтактишимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида иш бошлаган «Қурилиш — UzBuild — 2020» XXI халқаро кўргазмасининг аҳамияти катта. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Инвестициялар ва

ташқи савдо вазирликлари, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, Савдо-саноат палатаси каби ташкилотлар томонидан ўtkазилаётган мазкур тадбир ўз самарасини берди. Жорий йилда уюшма томонидан ушбу лойиҳалар бўйича барча манбалар ҳисобидан 2,5 млн. кв. метр линолеум, олиш ҳамда қайта ишлаш ишлари аммалга оширилган.





## ЛИНОЛЕУМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЖАХОН ТАЖРИБАСИ

**Россия Федерациясида линолеум ишлаб чиқариш:** Россияда линолеумнинг энг йирик ишлаб чиқарувчиларидан бири бу – машхур халқаро бренд Таркетт брендидир. Бугунги кунда Россия бозорида Таркетт брендининг иккита ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд:

- Таркетт брендининг энг йирик корхонаси «ТАРКЕТТ» АЖ бўлиб йилига 114 миллион квадрат метр линолеум ишлаб чиқариш қувватига эга. Кор-

хонада кўп қатламли ва тижорат линолеум ишлаб чиқариш бўйича 4 та линия, шунингдек, бир қатламли тижорат линолеум ишлаб чиқариш учун 1 та линия мавжуд.

- Таркетт брендининг иккинчи ишлаб чиқарувчиси бу – «Таркетт СОММЕР» МЧЖ бўлиб йилига 18 миллион квадрат метр линолеум ишлаб чиқариш қувватига эга.

Кейинги ўринда турадиган бренди бу – «Ютекс Ру» МЧЖ бўлиб йилига 25-27 миллион квадрат метр линолеум ишлаб чиқариш қувватига эга.

## Россия бозорида тақдим этилган асосий ишлаб чиқарувчиларнинг брендлари

| Ишлаб чиқарувчи    | Линолеум брендлари                  |
|--------------------|-------------------------------------|
| АО " Таркетт       | Polestyl, Sinteros, Tarkett, Kerama |
| ООО "Ютекс Ру"     | JUTEKS                              |
| ООО "Форбо Калуга" | Linolyuks                           |
| ООО "Комитекс ЛИН" | Komiteks, Bactex                    |

### Турли минтақада ўсиш камайиш рейтинги

| Минтақалар                  | Ўлчов бирлиги | 2017   | 2018   | Ўзгариш (+ ; -) | Ўсиш суръатлари (+ ; -) |
|-----------------------------|---------------|--------|--------|-----------------|-------------------------|
| Россия Федерацияси          | МИНГ. кв.м    | 135257 | 131824 | -3334           | -2,50%                  |
| Марказий федерал округи     | МИНГ. кв.м    | 33414  | 37806  | 4393            | 13,10%                  |
| Шимоли-ғарбий федерал округ | МИНГ. кв.м    | 17956  | 18603  | 647             | 3,60%                   |
| Жанубий федерал округи      | МИНГ. кв.м    | 50     | 48     | -3              | -5,20%                  |
| Волга федерал округи        | МИНГ. кв.м    | 83836  | 75367  | -8469           | -10,10%                 |

Россияда 2017-2018 йилда линолеум энг йирик  
ишлаб чиқарувчилар рейтинг жадвали

| 2018-йил<br>рейтинги | 2017-йил<br>рейтинги | Ишлаб<br>чиқарувчи          | Минтақа          |
|----------------------|----------------------|-----------------------------|------------------|
| 1                    | 1                    | АО "Таркетт"                | Самара вилояти   |
| 2                    | 2                    | ООО "Ютекс Ру"              | Владимир вилояти |
| 3                    | 4                    | ООО "Щекинский<br>линолеум" | Тула вилояти     |
| 4                    | 3                    | ООО "Форбо<br>Калуга"       | Респ. Коми       |
| 5                    | 5                    | ООО "Комитекс<br>ЛИН"       | Калуга вилояти   |



**АҚШ да Германяда линолеум ишлаб чиқариш:** АҚШ да бугунги кунда эңг машхур линолеум ишлаб чиқарувчи компания "Forbo Flooring Systems" ҳисобланиб 5 қитада 40 дан ортиқ заvodлари мавжуд. Линолеумнинг бу Форбо маркаси, 97% табиий хом ашёдан тайёрланган табиий маҳсулот бўлиб, унинг 70% тез тикланадиган, 43% қайта ишланадиган таркибга эга маҳсулотлардан тайёррланади. Шу жумладан "Forbo Holding AG" компанияси ҳам нафақат АҚШда қолаверса бошқа давлатларда ҳам муҳим ўрин касб этади.

Линолиум ишлаб чиқариш бўйича Германя ҳам етакчи ўринларда туради. Германяънинг "Линолеум-Werke AG" заводида дунё стандартларига жавоб берга оладиган рақобат-

бардош линолеумлар ишлаб чиқарилади. Германяда линолеум, кўп босқичли ва кўп вақт ҳамда меҳнат талаб қиласидиган ишлаб чиқарилувчи маҳсулотлар туркумига киради. Унинг таркибига линоксин қатронлари бириктирувчи моддалар яъни линолеум бирикмалари умумий массанинг тахминан 40% ни ташкил қиласиди, қолган 60% ини органик (зифир ёғ, ёғоч кукуни) ҳамда ноорганик (оҳактош кукуни, пигментлар) моддалар ва жут мато (илгари елкан мато) ташкил этади. Германя ишлаб чиқараётган линолеумнинг таркибий қисми қуйидагича

- Органик моддалар 40 %
- Зифир мойи 32 %
- Анорганик моддалар 20 %
- Табий моддалар 8 %



## 1.2 Линолеум турлари ва физик-механик кўрсаткичлари



## Линолеум турлари

Замонавий ишлаб чиқарышда линолеумнинг кўп турлари таклиф этилган, лекин ҳар маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятлари, афзалликлари ва камчиликлари мавжуд.

### Ушбу материал:

1. Табиий материаллардан тайёрланган линолеум.
2. ПВХ(Поливинилхлорид)ли линолеум.
3. Каучукли линолеум.
4. Алкид(глифтал)ли линолеум.
5. Коллоксин(нитроселюоза)ли линолеум.
6. Резина(релин)ли линолеум кабиларга бўлинади.

**Табий линолеум** - ёғоч кукуни, зигир ёғи ва оҳактош аралашмаларидан тайёрланади. Қоплама бутунлай экологик жиҳатдан тоза, ёнмайди, токни ўтказмайди, ишқаланишга бардошлидир.

### ПВХ(поливинилхлорид) ли-

**нолеум** - турли хил пигментларни ўз ичига олган пластификаторлар, ПВХ плёнка, тўқилмаган яъни игна зарб қилинган мато, микрокалцит(пломба) билан аралаштирилган поливинилхлориддир.

ПВХ линолеум ишлаб чиқарышда устки қатлам учун «ПВХ плёнка» ва пастки қатлам учун «тўқилмаган яъни игна зарб қилинган тайёр хом ашёлар зарур бўлади. Уларнинг кўриниши қуидагича:

Бу энг машҳур ҳисобланади ва унинг ҳам қуидаги турлари мавжуд:

- Маишӣ линолеум
- Тижорат линолеум
- Ярим тижорат линолеум

**Каучукли линолеум** - релин, пластик чиқиндилари ва каучуклардан тайёрланади. Бу маҳсулотни ишлаб чиқариш нисбатан арzon.

**Алкид(глифтал)ли линолеум** - алкидли қатронлар яъни

глифтал ва бўёқларнинг мато сиртига сингдириш орқали тайёрланади.

**Коллоксин (нитроселюло-за)ли линолеум** - нитроселюлоза тайёрланган намлика чидамли эластик қоплама. Асосан спорт заллари учун кўпроқ ишлатилади.

**Резина(релин)ли линолеум** - базида қайта ишланган ва эзилган битумдан тайёрланиб декоратив ва ҳимоя қатлами сифатида бўялган синтетик каучук ишлатилади. Омбор ва ишлаб чиқариш биноларида ишлатилади ва намлика чидамли линолеумдир.

Саноат қопламаси рулонининг максимал узунлиги одатда 6-25 м бўлиб максимал 100 м унинг стандарт формати 1-3,5 метр, қалинлиги 1,5—4,5 мм қилиб ишлаб чиқарилади.

Линолеумларнинг структурний тузилиши қуйидагича:

- Пастки кўпикли қатlam.
- Астар қатlam

- Юқори кўпикли қатlam.
- Ярим шаффоф ҳимоя қатlam.
- Қўшимча ҳимоя(полиуретан) қатlam.

**Линолеумнинг физик-механик кўрсаткичларига қуийидагилар киради:**

- Иссиклик изоляцияси,
- Шовқинни ютиши (овоз изоляцияси),
- Ишқаланиш қаршилиги,
- Антистатик хусусиятлари
- Мутлақ деформацияси,
- Чизиқли ўлчамларни ўзгартириши,
- Маҳсус сирт электр қаршилиги.

Маҳсулотнинг юз ҳимоя қатлами ва кейинги қатlam ўртасидаги алоқа кучи, Н/см.

Линолеумнинг ҳимоя қатламининг ишқаланишга қарши туриши унинг чидамлилиги кўрсаткичларидан биридир. Материалнинг ишқаланиши намуна қалинлигининг пасайиши билан аниқланади (мкм) ва қуй-

идаги формула бүйича ҳисобланади:

$$л = (m_1 - m_2) / г * С * K * 10000,$$

бу эрда:  $m_1$  - синовдан олдинги намунанинг массаси,

$m_2$  - синовдан сүнги намуна-нинг массаси,

$K$  - қофознинг ишқаланиш коеффициенти,

$г$  - материалнинг ишқала-ниш қатламининг зичлиги,  $г / см^3$ ,

$C$  - ишқаланиш майдони,  $см^2$ .

Линолеумнинг термал қар-

шилиги ва овоз ютиш хусусияти унинг муҳим физик күрсат-гичларидан биридир. Мисол учун, болалар боғчаларида, мактабларда, тиббиёт муас-сасаларида, операцион хона-ларда чидамлилиқдан ташқари яхши иссиқлик ва овоз изоля-циялаш хусусиятларига эга бў-лиши керак. Ушбу эҳтиёжлар учун ишлаб чиқарувчилар қў-шимча қўпикили субстрат би-лан янгича варианtlар тақдим этган. Кўпикланган линолеум-нинг термал қаршилиги 0,035



м<sup>2</sup>К / W га күтарилади, одатдагиси тахминан 0,015-0,01 м<sup>2</sup>К / W. Шу тариқа овозни ютувчи хусусиятлари намоён бўлади. Бу эса қопламанинг шовқинга қаршилик даражасини 17-18 дб(одатдаги линолеумларда овоз ассимиляция қилиш даражаси 2-5 дб)га камайтиради. Линолеумнинг яна бир физик хусусияти яъни эластиклик хусусияти мавжуд. Шу сабабли у нотўғри қўлланилса ўз геометрик шаклларини ўзгартириши яъни торайиб кенгайиши мумкин. Бундан келиб чиқадики линолеумни ишлатилиши жараёнида унинг ўрнатиш қондадарига амал қилиш лозим





## **1.3 Линолеум материалларининг муқобил қурилиш материалларидан афзаликлари**



Барча қурилиш материаларида бўлгани каби таъбий ва сунъий тайёrlанган линолеум маҳсулотининг ҳам бир қатор афзаликкларга мавжуд ва улар қўйидагича.

## АФЗАЛЛИКЛАРИ

### 1. Нархининг арzonлиги.

Линолеум материалларини тайёrlаш жараёнида арzon хом ашёлар ишлатилади, ишлаб чиқариш технологияси ҳам оддий. Натижада ҳамма учун ҳам-ёнбоп синфдаги линолеум материали олинади.

2. Эластиклик. Эгилувчанлик қобиляти яхши ва ишқаланиш қаршиликга эга. Ушбу турдаги қулайликлари сабабли узоқ вақтга бази турдагилари 40 йилгача хизмат қиласди.

### 3. Ёнғинга ва намлика чидамлилик.

Линолеумнинг намлика чидамлилиги жуда яхши ва ўз хусусиятини йўқтамайди. Ёнга ва кўплаб моддаларга чидамли сиртга эга ва бардошли ва тозалаш ва артиш жуда қулай.

### 4. Овоз изоляция.

Лино-

леумнинг термал қаршилиги ва овоз ютиш хусусияти унинг муҳим афзаликларидан биридан. Бу хусусият болалар боғчаларида, мактабларда, тиббиёт муассасаларида, операцион хоналарда жудаям қўл келади.

### 5. Микробларга қарши курашувчанлик.

Табиий линолеум таркибидаги зигир мато микроблар ва микроскопик организмларнинг ўсишига табиий равишда тўскинлик қиласди ва соғлик учун жуда фойдали.

6. Рангбаранглик. Дизайн жиҳатдан линолеумлар ҳар бир хонага ўзгача қўрк бағишлади. Чунки уларни ишлаб чиқаришда турли хил ранглардан фойдаланиб турли нақш ва безаклар бериш мумкин.



## 1.4 Ишлаб чиқарыш ҳолати рақамларда



2016 йилда линолеумга бўлган талаб 2,8 млн м<sup>2</sup>, ишлаб чиқариш ҳажми эса 1,8 млн м<sup>2</sup> ташкил этган (таъминланганлик даражаси 65%).

2020 йилга келиб юқоридағи барча рақамларда ўсиш кўрсаткичлари юз берган. Хусусан, 2020 йилда линолеумга бўлган талаб 5 млн м<sup>2</sup> ни, ишлаб чиқариш ҳажми эса 4,1 млн м<sup>2</sup> ни ташкил этган (таъминланганлик даражаси 81%).

2020 йилда 4,1 млн м<sup>2</sup> лино-

леум ишлаб чиқарилиб, 1,5 млн м<sup>2</sup> импорт қилинган бўлса, 2026 йилга келиб ички талаб қопланиши натижасида 7,1 млн м<sup>2</sup> линолеум ишлаб чиқарилиши ҳамда 2,5 млн м<sup>2</sup> экспорт қилиниши режалаштирилмоқда.

Юқори қўшилган қийматли маҳсулот бўлган линолеумнинг экспорт кўрсаткичи 2021 йилда 0,5 млн АҚШ доллари, 2026 йилда 2 млн АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда.

Умумий олганда, 2021 йил-



да республикада барча турдаги курилиш материаллари ишлаб чиқарыш күрсаткичи 24,2 трлн сүмни, 2026 йилда эса 41,5 трлн сүмни ташкил этиши реjalаштирилган. Экспорт эса 2021 йилда 270 млн АҚШ доллары, 2026 йилга келиб эса 505 млн АҚШ долларига етказилиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга, соңага жалб этилаётган инвестициялар миқдори 2021 йилда 1 610,0 млн АҚШ доллары, 2026 йилда 2 250,0 млн АҚШ долларини, маҳаллийлаштириш күрсаткичлари эса 2021 йилда 905,1 млрд сүмни, 2026 йилга келиб эса 1 550,0 млрд сүмни ташкил этиши кутилмоқда.





## **II. ХОМ АШЁ ТУРЛАРИ ВА МАВЖУД ЗАҲИРАЛАР**





## 2.1 Хом ашё турлари



Линолеум пол қопламаси-ни тайёрлашда қуйидаги табиي хомашё турларидан яғни **жут(үсимлиқ толаси), зигир мойи, ёғоч кукуни, оқактош, релин, глифтал (алкид смола), нитроцелюзода, каучук** кабилардан фойдаланилади.

**Жут** - жүқадошлар оиласига мансуб бир йиллик ўт, бүйі 3 м га етади. Барглари көнг лансецимон сарық гулли дараҳтадир. Ватани - Ҳиндистон. Осиё, Африка, Жанубий Америка ва Австралиянынг тропик ва субтропик минтақаларида үсадиган 100 га яқын тури бор.

Жут толаси етиштириш ҳажми дунёда ишлаб чиқариладиган үсимлиқ толалари ичидә пахта толасидан кейин 2-үринде туради. Қадимдан инсонлар жут толасидан тұқымачилик маҳсулотлари, гиламлар, қоп, арқон, техник ва ўров газмоллари, жун, пахта толалари билан аралаш толаларидан кийим-кечак газмоллари тайёрлаб келишган. Ёш ниҳолини эса истеммол учун фойдаланишган. Лекин жут үсимлиги көнг күламда Товар сифатида ишлатишни XVIII-асрдан бошланган. Яңги технологиялар

пайдо бўлиб, жут үсимлигидан турли маҳсулотлар тайёрлана бошланди. Жут үсимлигидан тайёрланган матолар жудаям пишиғ ва мустаҳкам бўлиб ҳозирги кунда ҳам бу үсимлиқдан кенг күламда фойдаланилад

**Зигир** - зигирдошларга мансуб бир йиллик ва кўп йиллик үсимликлар туркумига киругчи тола ва мой олиш учун экиладиган үсимлиқ. Пояси ингичка, силлик, тик ўсади, оч яшил рангли, бўйи 60–120 см. Үсимлиқ етилганда пояси сарғиш яшил ранга киради. Барги кетма-кет жойлашган бўлиб яшил рангидир. Мўтадил ва субтропик минтақаларда тарқалган. Қадимдан Рим, Испания, Хитой, Миср, Россияда маълум бўлган. Ер юзида 230 дан ортиқ тури мавжуд. Толаси ва мойи учун экиладиган маҳаллий хўжалик аҳамиятига эга үсимлиқdir. Зигирдан юқори сифатли тола ва мой олинади. Толаси пишиқ, мустаҳкам, эгилувчан. Толасидан кийимлик газламалар, брезент, пахта ва кимёвий толага кўшиб декоратив газламалар, арқонлар ишлаб чиқарилади.

**Ёғоч кукуни** - дараҳт шохларидан тайёрланган маҳсулот-

ларни арралаш ва силлиқлаш натижасида ёғочни қайта ишлашдан ҳосил бўлган маҳсулот ёки чиқинди маҳсулотдир. У ёғочнинг майда бўлакларидан иборат. Ушбу жараёнлар ёғочни қайта ишлаш машиналари, кўчма электр асбоблари ёки кўл асбоблари ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Ёғоч куқунининг асосий таркибий қисм заррачалардан иборатдир.

**Нитроселлюзоза** - селюлозанинг нитрати бўлиб селлюлозага ўхшаш кўринишда оқтолали хом ашёдир. Нитроселлюзоза биринчи сунъий полимерлардан бири ҳисобланади. Энг муҳим хусусияти гидроксил гурӯхларини нитрогруппаларга алмаштириш даражасида. Амалда, кўпинча масса улуши сифатида азот миқдори кўлланилади. Нитроселлюзоза ишлаб чиқариш учун энг яхши хом ашё кўп толали пахта нави ҳисобланади. Нитроселлулоз тозаланган, юмшатилган ва қуритилган целлюлозага нитрат аралашмаси ёки сулфат ва нитрат кислоталарнинг аралашмаси билан таъсир кўрсатади.

**Оҳактош** - карбонатли чўкинди тоғ жинсиdir. Таркиби

50%дан ортиқ калситдан ёки организмларнинг скелети қолдикларидан, баъзан арагонит минерали ( $\text{CaCO}_3$ )дан иборат. Ранги оқиш, сарғиш, бўзранг ҳолда бўлиб энг кўп тарқалган чўкинди тоғ жинсларидан биридир.

Ернинг тури турли релф шакларида учрайди. Оҳактошнинг физик-механик хоссалари уларнинг структураси ва тузилишига боғлиқ бўлиб оғирлиги  $800 \text{ кг}/\text{м}^3$  дан  $2800 \text{ кг}/\text{м}^3$  гача бўлади. Оҳактош саноатда, қишлоқ хўжалиги ва қурилишда кенг кўлланилади. Бу хом ашё оҳак ва цемент ишлаб чиқаришда яъни сода, минерал ўғитлар, шиша, қофоз ишлаб чиқаришда, нефт маҳсулотларини тозалаш ва бошқа жараёнларда кўшимча модда сифатида ишлатилади. Оҳактош қурилиш материалларининг бир бўлагини ташкил қиласи. Улардан қопловчи ва безак тошлар, ҳайкалтарошлиқ ва меъморликда ишлатиладиган тошлар ва шунга ўхшаш нарслар тайёрланади.

**Глифтал(алкид смола)** – кўп атомли спиртларнинг кўп асосли кислоталар билан поликонденсатланишидан ҳосил бўла-


диган полимерлардир. Алкид смоладан металларда электр токини ўтказмайдиган материаллар ишлаб чиқаришда лок ўрнида фойдаланилади.

**Каучук** - резина ва резина буюмлари тайёрлашда ишлатиладиган эластик материал бўлиб табиий ва суный (синтетик) хилларга бўлинади. Табиий каучук - асосан, бразилияда ўсадиган гевея дарахтининг сутцимон шираси(латекс) ва каучукли дарахтлардан олинади. Олинган латекс қайта ишланади. Табиий каучук одатда, аморф ҳолатда бўлади, лекин вақт ўти-

ши билан кристалланиши мумкин. Синтетик каучук - суный йўл билан резина олинадиган юқори полимер материалdir. Синтетик каучук турли бирикмаларни полимерлаб ва сополимерлаб олинади. Синтетик каучук олиш икки асосий жараён: мономерлар тайёрлаш ва уларни полимерлаш ёки поликонденсатлашдан иборат. Улар юқори эластиклиги, сув ва газ ўтказмаслиги, электроизоляцион хусусияти ва емирувчи муҳитларга чидамлилиги туфайли техника ва турмушда кўп ишлатилади.



## 2.2 Республика ҳудудларида мавжуд хом ашё заҳиралари




Малумки сифатли маҳсулотни ишлаб чиқариш хом ашёни қаерда мавжудлигига ҳам боғлиқ. Линолеум ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашёлар Ўзбекистон худудида етарлича. Шу жумладан жут ўсимлигининг навлари Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги иммий ишлаб чиқариш Маркази томонидан 53 тури ўрганилиб етиштирилади. Табиий линолеум ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган яна бир хом ашё зифир бўлиб у Марказий Осиёда жумладан Ўзбекистонда ҳам тофолди ва лалми ерларда қадимдан етиштирилган. Ўзбекистонда асосан зифирнинг «Бахмал - 2» нави кўп етиштирилади. Ундан ташқари табиий линолеум ишлаб чиқаришда оҳактошдан ҳам фойдаланила-

ди ва юртимизнинг Фозғон (Навоий), Омонқўтон (Самарқанд), Шарақсой (Жиззах), Нурота (Навоий), Аркуцой (Тошкент), Зарбанд (Самарқанд), Оқтоғ (Навоий), Қаҳралисой (Қорақалпоғистон) ва боша кўпгина конлардан қазиб олинади. Маҳсулотни ишлаб чиқаришда яна бир хом ашё бу - алкид смола бўлиб Чирчиқ ("МАХАМ-ЧИРЧИК") АЖ ва Келес ("ГАММА СОЛОР СЕРВИСЕ") МЧЖ ларда кенг кўламда ишлаб чиқарилмоқда.

Коучук ҳам линолеумнинг таркибий қисмидан жой олган бўлиб - Тошкент шаҳрида "Белрассавдо" Наманган вилоятида "Наманган резина пласт" корхоналари ва бошқа кўплаб корхоналарда коучук ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

### **III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**







3.1 Маҳсулотни ишлаб  
чиқарувчи усқиналар

Маиший ПВХ линолеум харидорлар орасида энг машхур пол қопламаси ҳисобланади. Ушбу бобда линолеум ишлаб чиқариш жараёнини күриб чиқамиз. Бу жараён қуидаги босқичларда амалга оширилади:

**Хом ашёни тайёрлаш.** Линолеумнинг ички ва ташқи қатламларини бирлаштириш мақсадида пластификаторлар, пластик шиша ва эмульцион смола экструдерда махсус аралаштирувчи роликлар ёрдамида аралаштирилади.

**1. Ишлов бериш.** Ушбу босқичда аралашма ичидан махсус технологик асбоб орқали ортиқча зарарли газлар сүриб олинади. Аралашма зарарли газлардан холи бўлгандан сўнг совутиш камерасига ўтказилади.

**2. Дазмоллаш жараёни.** Экструдерда махсус роликлар орқали аралаштирилган, ортиқча зарарли газлардан тоза-

ланган ва совутилган аралашма орқали тайёрланган линолеумнинг ўрта қатлами юқори (плёнка) ва пастки қатлам (игна зарбли тўқилмаган мато) лар билан биргаликда дазмоллаш ускунасида бир-бирига бириктирилади.

**3. Якуний босқич.** Ҳосил бўлган ярим тайёр маҳсулотнинг қирралари кесилади, керакли даражада ювилади, сўнгра чизма зарб этиш қурилмасига ўтказилади. Ушбу босқичда линолеумнинг юза қатламига чизма зарб этиш қурилмаси орқали турли хил дизайнга эга нақшлар зарб этилади. Ушбу нақшлар линолеумга чирой ва кўркамлик баҳш этади. Нақшлар динолеумдан фойдаланиш шартларига кўра турли хил кўринишларда бўлиши мумкин.

**4. Сақлаш.** Тайёр бўлган линолеум стандарт талабларида келтирилганидек махсус белгиланган ўлчамларда рулон кўринишида ўралади, қадоқланади

ва вақтінча сақлаш учун омборхонага юборилади.

Ушбу босқычларда бізга қуидеги технологик ускуна ва жиҳозлар керак бўлади:

1. Экструдер;
2. Арапаштирувчи ролик;
3. Заарали ҳавони сўриш ускунаси;
4. Совутиш камераси;
5. Материал дазмоллагич;
6. Андоза ювиш қурилмаси;
7. Чизма ясаш қурилмаси;
8. Чизмани плёнкага ўтказиш қурилмаси;
9. Қадоқлаш машинаси.

### **Линолеум ишлаб чиқариш технологик линияларининг дастлабки нархлари**

1. Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган, суткасига 5000 м<sup>2</sup> линолеум ишлаб чиқариш қувватига эга линиянинг нархи – 732 200 000 сўм.

2. Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган, суткасига 900 м<sup>2</sup> линолеум ишлаб чиқариш қувватига эга мини линиянинг нархи – 102 762 880 сўм.

Ушбу линия ишга туширилиши натижасида **5-7 нафар янги иш ўрни** яратилиши мумкин.





## **IV. СИФАТ, МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИ**



## 4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари



Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш түғрисида"ги Қонунига асосан барча маҳсулот ва хизматлар тегишли тартибда стандартлар асосида ишлаб чиқарилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Мазкур норматив ҳужжатлар орқали линолеум ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, хом ашёни танлаш, маҳсулотни

ташиш, даврий сифат кўрсат-кичларини текшириб бориш каби талаб ва тавсиялар келтирилади.

Ушбу стандартларни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Стандартлар институтидан сошиб олиш мумкин.

**Линолеум ишлаб чиқариш учун  
зарур стандартлар қуидагилар:**


| Стандарт рақами      | Стандарт номи  |
|----------------------|--|
| <b>ГОСТ 11583-74</b> | Полимерли қурилиш-пардозлаш материаллари. Ёргулук, ранг бир хиллиги ва ёруғлик таъсирида ранг барқарорлигини аниқлаш усуллари. |
| <b>ГОСТ 26150-84</b> | Поливинилхlorид асосида полимер пардозлаш материаллари ва буюмлари. Санитариya-кимёвий баҳолаш усули                           |
| <b>ГОСТ 4.228-83</b> | Маҳсулот сифати күрсаткичлари тизими. Курилиш. Полимер енимли материаллар. Күрсаткичлар номенклатураси                         |
| <b>ГОСТ 4.229-83</b> | Маҳсулот сифати күрсаткичлари тизими. Курилиш. Қоғоз-қатламли декоратив пластмасалар. Күрсаткичлар номенклатураси              |
| <b>ГОСТ 4.230-83</b> | Маҳсулот сифати күрсаткичлари тизими. Курилиш. Безаш материаллари ва полимер қараган маҳсулотлари. Күрсаткичлар номенклатураси |
| <b>ГОСТ 14192</b>    | Товарлар маркировкаси  |
| <b>ГОСТ 19433</b>    | Хавфли товарлар. Таснифлаш ва етикетлаш  |
| <b>ГОСТ 30402</b>    | Курилиш материаллари. Янабилирлик тест усули   |
| <b>ГОСТ 30444</b>    | Курилиш материаллари. Олов тарғибот тест усули   |

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги "Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар түғрисида"-ги ПҚ-4335-сонли қарорининг 6-иловаси "2021 йилнинг 31 деқабрига қадар давлат томони-

дан қўллаб-қувватлаш орқали қабул қилинадиган қурилиш материаллари соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати"га мувофиқ 2019 йилда 340 та, 2020 йилда 542 та халқаро стандартлар қабул қилинди, 2021 йилда яна 505 та халқаро стандарт қабул қилиш режалаштирилган.



## **4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш**




**Жараён оддий ва унда инсон омили иштироки камайтирилган.** Линолеум материаллари учун мувофиқлик сертификатини масофадан туриб олиш мүмкін. Бунда Сиз **singlewindow.uz** электрон платформасига кирасиз, **ариза за тақдим этиш** тугмачасини босған ҳолда ўз маълумотларингизни киритасиз.

Аризангиз кўриб чиқилади ҳамда **3 иш куни** ичидаги тегишли мутахассислар келиб Сиз ишлаб чиқараётган линолеум

маҳсулотларидан наъмуналар олади. Маҳсулотни тегишли тартибда лаборатория синовларида текширади, стандарт талабларга жавоб берган тақдирда Сизга мувофиқлик сертификати берилади.



#### 4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги



Линолеум ишлаб чиқаришда турли хил ўлчов воситаларидан фойдаланилади. Ушбу ўлчов воситалари линолеум материаларининг сифати, стандарт талабларда белгиланган мөъёрлардан четга чиқмаганлиги каби мұхим факторларни доимий назорат қилиш учун зарур ҳисобланади. Линолеумни ўлчаш учун асасан узунлик ўлчов асбобидан фойдаланилади.

Ушбу ўлчов воситалари йыл-  
бекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2019 йил 30 июлдаги «Метрология текширувидан үтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» ги **3174-сон буйруғига** асосан бир йилда бир марта **Миллий метрология институти томонидан қиёслов кўригидан үтказилади.**

## V. САМАРАДОРЛИК ҚҰРСАТКИЧЛАРИ





**Ҳозирги кунда харидоргир маҳсулотга айланган ПВХ  
линолеумнинг самарадорлик кўрсатгичи қуидагида:**

| <b>Маҳсулотни турлари<br/>бўйича моддий<br/>харажатлар объектла-<br/>рининг номи</b> | <b>Ўлчов<br/>бирлиги</b> | <b>1 кв.м<br/>маҳсулот<br/>сарфи</b> | <b>Маҳсулот<br/>нархи, сўм.<br/>Қўшимча<br/>қиймат<br/>солигисиз</b> |
|--|--------------------------|--------------------------------------|--|
| Босиб чиқарилган<br>ПВХ плёнка   | кв.м                     | 1,025                                | 4454,13  |
| Тўқилмаган, игна зарб<br>қилинган мато   | кв.м                     | 1,025                                | 3638,52  |
| ПВХ эмульзион смола  | кг                       | 0,23                                 | 14538,24   |
| Пластификаторлар<br>(органик бирикма)  | кг                       | 0,24                                 | 3369,05  |
| Микрокалцит(пломба)  | кг                       | 0,322                                | 684,47   |
| Пластик шиша   | кв.м                     | 0,067                                | 3503,07  |
| Скотч  | м                        | 0,08                                 | 85,01  |
| Этикетка   | дона                     | 0,026                                | 659,97   |
| Жами   | сўм                      |                                      | 30932,46   |





## VI. ЭКОЛОГИК МЕЬЁРЛАР ВА АТРОФ МУХИТГА ТАЪСИРИ



## **6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар**



Экология – тирик жонзотларнинг яшаш шароити ва уларнинг ўзлари яшаб турган мухит билан ўзаро мураккаб муносабатлари ва шу асосда туғилган қонуниятларни ўрганади, инсоннинг табиат билан ўзаро таъсирини энг мақбул тарзда ишлаб чиқаради. Экологик назорат атроф мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун хужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек кўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизимиdir.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги 9 декабрдағи **«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги ҳамда 1996 йил 27 декабрдаги **«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»** Қонунлари табиий мухит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан

оқилона фойдаланишнинг хуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим обьектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф мухитга эга бўлиш хуқуқини кафолатлашдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги "2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф мухитни муҳофаза қилиш концепциясini тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5863-сонли фармонига биноан:

- экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш обьектлари ва бошқа обьектлардан устувор даражада фойдаланиш;
- иқтисодиётни экологи-

ялаштириш, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизmlарини жорий қилиш, экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллар, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш обьектлари ва бошқа обьектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- янгидан фойдаланишга топширилаётган ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самарадорлиги **99,5 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш;

- амалдаги ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самарадорлиги **95 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш каби топшириқларидан келиб чиқиб қурилиш материаллари саноатидаги мавжуд ишлаб чиқариш

корхоналари ва янгидан ташкил этиладиган корхоналарга ушбу талаблар белгиланган.

Инсоният ҳаёти уни ўраб турган табиий муҳит билан узвий боғлиқ бўлиб, буни тасдиқлайдиган манбаалар ҳар қадамда учраб туради. Жаҳон кўламида жадал суръатлар билан кечеётган фан-техника инқилоби одамларнинг меҳнат шароити, турмуш даражаси яхшиланишига ижобий таъсир этиш билан бирга у туғдирган экологик ўзгаришлар, ўз навбатида, инсониятга, уни ўз бағрида сақлаётган она табиатга асоратли таъсир кўрсатмоқда. Бизни ўраб турган табиатни чиндан ҳам она десак бўлади. Чунки у бутун борлиқни ҳаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, тўйдиради, кийинтиради. Ана шундай марҳаматли табиатнинг озор топиши у билан бевосита одамзод ва жониворларни тахликага солиб қўйиши мумкин. Азот оксидларининг чиқариб ташланиши криоген

техникада ва уй шароитида хлор-фтор-карбонатларнинг кенг құламда құлланилиши Ернинг озон қаватини сақлаш муаммосини кескинлаشتыриб юборади.

Хозирги замон фан-техника тараққиёти, шунингдек табиатга антропоген (инсоннинг бевосита қатнашиши) таъсир этишнинг тобора кучайиши на-тижасида табиий омилларнинг ўзаро боғланиши маълум дара-жада мувозанатдан чиқмоқда, бу эса ер юзида ҳаёттің жара-ён рисоладагидек кечишига хавф солмоқда. Шу боисдан табиий муҳитни асраш муаммолари күп жиҳатдан экологик тадқиқотлар билан боғланади.

Табиий бойликлардан оқи-лона фойдаланишдан табиатда рўй берадиган жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ривожла-ниш қонуниятлари ҳақидаги билимлар катта аҳамиятга эга. Бусиз табиий жараёнларга баҳо бериш, уларни ҳисобга олиш, табиатга, табиат компонент-

ларига күрсатилган ҳар қандай таъсирнинг келажақда қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан билиш мумкин эмас. Инсон табиатдан фойдаланганда ва унга таъсир күрсатаётганда билиши ва фаолиятида амал қилиш зарур бўлган, асосан, **5 қонуният** мавжуд:

1) Табиатдаги барча компонент ва элементлар ўзаро бир-бирлари билан боғланган, ўзаро таъсир этиб, муайян мувозанатда бўлиб, уйғунлик ҳосил қилган. Бирон компонент ёки элемент ўзгарса, бутун табиий комплексда ўзгариш рўй беради;

2) Табиатда тўхтовсиз модда ва энергиянинг айланма ҳаракати рўй бериб туради. Бу ҳаёт асоси;

3) Табиий жараёнларнинг ривожланишида муайян даврийликлар мавжуд (суткалик, йиллик, 12 йиллик, 33-35 йиллик ва кўп йиллик);

4) зоналик;

5) регионаллик.

## 6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш



**Экологик назорат** объект-лари күйидагилардан иборат:

ер, ер ости бойликлари, сувлар, үсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси атроф мұхитта таъсир күрсатуви табиий ва техноген манбалар атроф мұхит ифлосланишига ва табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мүмкін бўлган фаолият, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

### **Экологик назоратнинг турлари:**

давлат экологик назорати;  
идоравий экологик назорат;  
ишлаб чиқариш экологик назорати;  
жамоатчилик экологик назорати.

**Ҳар қандай янги лойиха бўйича** ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этилишида **экология йўналиши бўйича 5**

**та норматив-хужжат** ишлаб чиқилиши мажбурий тарзда қонунчилигимиз билан мустаҳкамланиб қўйилган. Булар:

**АМТА** – атроф мұхитта таъсири аризаси ҳақидаги хужжат;

**ЭОА** – экологик оқибатлар аризаси ҳақидаги хужжат;

**ПДВ** – атмосфера қатламига чиқариладиган ташламалар ҳақидаги норматив;

**ПДС** – ер қатламига чиқариладиган заарарли чиқинди оқавалар ҳақидаги норматив. Агар чиқинди сувлар канализация тармоғига уланса **КЭН** нормативи ишлаб чиқарилади;

**ПДО** – ишлаб чиқариш корхонасининг фаолияти давомида ажralадиган саноат ва маиший чиқиндиларнинг худуддга ва атрофга жойлаштирилиши ҳақидаги норматив. Агар чиқиндилар экологик сертифи катланган бўлса компенсацион тўловларга тортилмайди.

## VII. МЕХНАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ





## 7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари



Ўзбекистон Республикасида хавфсиз ва қулаги мөхнат шаритида ишлаш юзасидан фуқароларнинг ҳукуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (37-модда) мустаҳкамланиб кўйилган. Ушбу конституциявий кафолатни амалда рўёбга чиқарилишига қаратилган аниқ чора тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг Мөхнат кодексида, «Мөхнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида, бошқа бир қатор қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатларида белгиланган.

Мөхнат муҳофазаси - инсоннинг мөхнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг сақланишига қаратилган тадбирлар. Қонун ҳужжатларида мөхнат жараёнида қўлланиладиган ижтимоий-иктисодий, ташкилий, техник, санитария-гигиена, даволаш-профилактика чора тадбирлари белгилаб қўйила-

ди. Мөхнат қилувчи шахс хавфсизлиги, саломатлиги, мөхнат қилиш қобилиятини ҳимоялаш, соғлом мөхнат шароитлари яратиш, касб касалликлари юз бериш ҳавфини олдини олиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишларга йўл қўймаслик кабилалар мөхнат муҳофазаси олдидаги вазифалар ҳисобланади.

Мөхнат муҳофазасига оид талаблар ва стандартлар Мөхнат кодекси, «Мөхнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ишлаб чиқариладиган корхона ва ташкилотларнинг ички мөхнат тартиби қоидалари, жамоа шартномалари, тармоқ ёки минтақавий жамоа келишувлари, корхоналарнинг бошқа ички норматив ҳукукий ҳужжатларида, муайян соҳа, касб, иш жойларига оид бўлган Мөхнат муҳофазаси стандартларида белгилаб қўйилади. Мулкчилик шакли ва ҳўжалик юритиш усулидан қатъий

назар барча корхона, муассаса, ташкилотлар ўз ходимлари учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиши, хавфсизлик техникаси чораларини кўриши, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиши, бошқа ташкилий техник тадбирларни амалга ошириши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш — бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иктисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза

за қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориш вазифаси иш берувчи зимрасига юклатиласди.

Меҳнат муҳофазасида қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**жамоавий ҳимоя воситалари** — тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланышлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар ва бошқа воситалар;

**зарарли ишлаб чиқариш омили** — таъсири ходимнинг касб касаллигига чалинишига

олиб келиши мүмкін бўлган ишлаб чиқариш омили;

**иш ўрни** — меҳнат фаолияти жараёнида ходимнинг доимий ёки вақтингчалик бўлиш жойи;

**ишлаб чиқариш фаолияти** — маҳсулот ишлаб чиқариш, хом ашёни қайта ишлаш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш чоғида амалга ошириладиган ҳаракатлар йигиндиси;

**ишлаб чиқаришдаги баҳт-сиз ҳодиса** — ходимнинг иш берувчининг худудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлик ҳолда, шу жумладан иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруратига, у касбга оид меҳнат қобилиятыни вақтингча ёки турғун йўқоти-

шига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

**касб қасаллиги** — ходимнинг унга заарли ишлаб чиқариш омили ёки хавфли ишлаб чиқариш омили таъсири натижасида юзага келган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтингча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали қасаллиги;

**меҳнат шароитлари** — меҳнатни амалга ошириш чоғидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омиллари йигиндиси;

**меҳнатни муҳофаза қилиш** — меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланшини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими;

**меҳнатда майиб бўлиш** —

ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатида ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотиши;

**ноқулай ишлаб чиқариш омиллари** — зарарли ишлаб чиқариш омилиниң ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилиниң мавжудлиги;

**хавфли ишлаб чиқариш омили** — таъсири ходимнинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

**шахсий ҳимоя воситалири** — ходимга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирини олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимояланиш учун фойдаланиладиган техник воситалар ва бошқа воситалар.

Линолеум материаллари ни ишлаб чиқаришнинг асосий технологик босқичларида ишлашда хавфсизлик қоидалари га қатъий риоя қилиш зарур.



## VIII. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ИНТЕРНЕТ ТАРМОГИ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги 312-сонли “Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимизда 2014 йилнинг 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этилди.

Унга кўра, электрон рўйхатдан ўтказиш таъсис ҳужжатларини масофадан туриб ва интэрактив расмийлаштириш йўли билан намунавий шакллар асосида тайёрлаш имконияти бўлган Ўзбекистон Республикаси интэрактив давлат хизматлари ягона портали орқали амалга оширилади. Электрон рўйхатдан ўтказишда зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш, шунингдек рўйхатдан ўтказилган

таъсис ҳужжатларини ва тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганини тўғрисидаги гувоҳномани бериш электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

### **ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги ПҚ-2646-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш” тартиби тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади.

## IX. ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ



Бугунги кунда банклар томонидан тадбиркорларликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилған бўлиб, молиялаштириш дастурлари доирасида банклар томонидан турли хилдаги кредитлар тақлиф этилмоқда.

Кредитларининг турлари бизнесни ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган исталган масалаларни ҳал қилишга имкон беради.

Кредит тақдим этиш тўғрисидаги қарор қабул қилишда банк мижознинг ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги маълумотларга асосланади. Бунда этибор расмий кўрсаткичларга эмас, балки молиялаштириш назарда тутилган бизнеснинг ривожла-

ниш истиқболларига қаратилади.

### **КРЕДИТ ОЛИШ УЧУН КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:**

- кредит олиш учун ариза (кредит муддати, фоизи, мақсади кўрсатилган ҳолда);
- бизнес-режа (маҳсулот турлари, ишлаб чиқариш технологиялари, сотиб олинадиган ёки ижарага олинадиган асбоб ускуналар рўйхати, хом ашё заҳиралари, маҳсулотга бўлган талаб, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсатилади);
- корхона ташкил қилинганилиги тўғрисидаги ҳужжатлар (гувоҳнома, Устав);
- таъминот ҳужжатлари (гаровга қўйиладиган кўчма ва кўчмас мулк, кафиллик).

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. «Линолеум. Паркет. Массив. Ламинат. Выбор, монтаж»  
Подробнее: Деревянков В.С., Преображенский А.Б.
2. "Линолеум - свойства, виды, производители" [Электронный ресурс] / сайт <https://mirpolo-dekora.com.ua/a-107-linoleum-svoystva-vidy-proizvoditeli>
3. "Виды линолеума, все классификаци" [Электронный ресурс] / сайт <https://otdelprofi.ru/info/articles/vsyeye-o-linoleume/>
4. "Как клать ламинат, паркет и стелить линолеум" Издательство: Клуб семейного досуга, 2012 г.
5. "Линолеум учун ёпишқоқ мастикалар, нитролаклар, нитроэмаллар ва нитромастикалар ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш түғрисида" [Электронный ресурс] / сайт <https://lex.uz/docs/1527315?query=восита>
6. "Как организовать производство линолеума" [Электронный ресурс] / сайт <https://promtu.ru/linii-proizvodstva/proizvodim-linoleum-domu>.
7. Технологическая линия для изготовления ПВХ покрытий для полов.- Промышленность полимерных мягких кровельных и теплоизоляционных строительных материалов. ВНИИЭСМ. М., 1979, вып. II, с.20-21.
8. Горшков С.В. Модифицирование ПВХ пластизолей полимеризационноспособными соединениями.- Дк., М., 1981.
9. Сатторов З.М. Экология. – Т.:Sano-standart, 2018. – 362 6.
10. Сатторов З.М. Қурилиш экологияси. – Т.:Sano-standart, 2017. – 364 6.



### “ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” АТБ

|                    |   |
|--------------------|---|
| <b>Манзил:</b>     | 100000, Тошкент шаҳри.<br>Шаҳрисабз кўчаси 3-й. |
| <b>Мўлжал:</b>     | “Ўзбекистон почтаси”,<br>"Ucell" бош оғиси.     |
| <b>Алоқа учун:</b> | + 998 (78) 120-35-94                            |
| <b>E-mail:</b>     | info@uzpsb.uz                                   |
| <b>Сайт:</b>       | sqb.uz  |

### “ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛИТИ” МЧЖ ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ ВА ИНЖИНИРИНГ МАРКАЗИ.

|                    |   |
|--------------------|---|
| <b>Манзил:</b>     | Тошкент шаҳри, Тафаккур кўчаси,<br>68-А уй. |
| <b>Мўлжал:</b>     | Дўстлик боғи,<br>“Иchan қалъа” меҳмонхонаси |
| <b>Алоқа учун:</b> | (71) 254-92-01                              |
| <b>E-mail:</b>     | info@uzqmliti.uz                            |
| <b>Сайт:</b>       | uzqmliti.uz                                 |

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

ЛИНОЛЕУМ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ БҮЙИЧА АМАЛИЙ УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---



ЛИНОЛЕУМ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ БҮЙИЧА АМАЛИЙ УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---



**Линолеум маҳсулотлари ишлаб  
чиқариш бўйича амалий услубий қўлланма**

**Компьютерда тайёрловчилар:**  
Эрматов Ф., Алимжонов С.

**Дизайнер:**  
Эрматов Ф.